БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 19 (4417).
23 ЯНВАРЬ, 1981 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 нюлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Сифат ва тежам — эътиборда

«Қўплаб талаб қилинаётган юқори сифатли моллар, аввало... мўйнадан тикилган кийимлар, сунъий мўйна ва чарм ишлаб чиқариш қўпайтирилсин».

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини қизғин муҳокама қилган кўн-мўйна заводи коллективи лойиҳада айтилган ушбу сўзларни янги беш йилликка дастуруламал қилиб олди. Корхона коллективи ўнинчи беш йилликдаги каби, ўн биринчи беш йилликда ҳам халқ истеъмоли товарларини кўплаб ишлаб чиқариш, уларнинг хилини кенгайтириш ва сифатини яхшилашни диққат-марказида сақлаб турибди.

Бугунги кунда корхонада 8 моделдаги буюмлар давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Булар — аёлларнинг майин пўстинлари, қоракўл пальтолар, нимчалар, эркаклар қулоқчини ва бошқа буюмлардир. Коллективда биринчи бўлиб, халқ депутатлари — бичиқчи С. Зияева, З. Зияев, ростловчи О. Умарова, тикувчи М. Ҳасановалар квартал планини — 23 февраль — КПСС XXVI съезди очиладиган кунга бажариш ташаббусини бошлаб бердилар. Улар ташаббусига ишлаб чиқариш илғорларидан Ш. Зоҳидов, В. Лареонова, Х. Жумаева, завод ветерани М. Шарафутдинов, Т. Зиганшин ва бошқалар қўшилдилар. Улар кундалик нормаларини 150—180 процентдан бажаришмоқда.

Завод коллективи партия XXVI съезди иш олиб борган кунлари тежалган хом ашё ва электр энергиясидан маҳсулот тайёрлашга қарор қилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Ботаника боғи коллективи ўсимликлар уруғликларини жаҳоннинг турли мамлакатларига юбора бошлади.

Ботаника боғининг директори биология фанлари доктори Аҳмад Усмонов шу муносабат билан мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Маълумки, бизнинг табиат масканимиз жаҳондаги йирик ботаника боғлари қаторидан муносиб ўрин олади. Англиянинг пойтахти Лондонда нашр этилган китобда Тошкент боғи энг гўзал боғлардан бири сифатида тилга олинган.

Боғимиз илмий ходимлари ҳозир жаҳоннинг жуда кўп илмий-тадқиқот масканлари, ботаника боғлари билан илмий алоқа ўрнатишган. Ўтган йили 54 мамлакатдаги 376 ботаника боғига 4 минг турга яқин уруғлик намуналари юборилди. Уларни Австралия, Англия, Голландия, Ирландия, Дания, Испания, АҚШ, ГФР, ГДР, Венгрия, Польша, Чехословакия, Болгария каби мамлакатлар олди. Улардан олган намуналаримиз эса уч мингга яқинлашиб боради. Ўтган беш йилликда жаҳон ботаника боғларига 11 минг 400 уруғлик намуналари юборилган бўлса, улардан олган намуналаримиз 21,5 минг атрофида.

●

«Подъёмник» заводнинг коллективи Монголия Халқ Республикасига 3 та, Вьетнам Социалистик Республикасига 1 та кўтарма кран юборди.

Шу йилнинг биринчи кварталида Тошкент маркази бўлган машиналарни Куба, ГДР, Болгария, Венгрия ҳам олади.

Корхона буюртмачилари рўйхатида биринчи марта Ҳиндистоннинг номи пайдо бўлди. Бу дўст мамлакатга кўтарма кранлар учун эҳтиёт қисмлар юборилиши планлаштирилган.

Бугун

тўқимачилар маданият саройида область маданият ходимлари халқ университетининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Бу университетни Тошкент область касаба союзлари Совети ташкил этган.

Университет машғулотида касаба союз маданият саройлари ва клубларининг ишини янада жонлантириш юзасидан тажрибалар алмашилди.

●

Афғонистон Демократик Республикаси ёшлар ташкилотлари вакилларининг бир группаси республикамиз пойтахтига меҳмон бўлиб келди.

Улар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдилар. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ва бир қатор маданият дарғоҳлари меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Меҳмонлар Москва, Ленинград, Киев шаҳарлари бўйлаб саёҳат қиладилар.

«Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси ўзининг бу йилги фаолиятини қизғин бошлади. Бюро раиси Ғайрат Ойхўжаев туризм мавсумининг янгиликлари ҳақида қуйидагиларни маълум қилди:

— Ўтган йили меҳнат семестрида, актив қатнашган олий ўқув юртларининг қурилиш отрядлари саёҳат йўлланмалари билан тақдирланган эди. Улардан бир группаси куни кеча Чехословакия Социалистик Республикасига жўнаб кетди. Вакилларимиз дўст мамлакатда 12 кун мобайнида тенгдошлари билан учрашадилар, диққатга сазовор жойларни зиёрат қиладилар. Яна бир шундай группа Миср Араб Республикасига жўнаб кетди.

Бу йил ёшлар туризм йўли билан Ўзбекистон вакилларидан 70 минга яқини жаҳоннинг турли бурчакларига сафар қилади.

●

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзига қарашли кўргазмалар залида «Биз коммунизм қурамиз» тасвирий санъат кўргазмасини монтаж қилишга киришилди.

Республика Рассомлар союзи правлениеси раиси, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Раҳим Аҳмедов янги кўргазмани иҳоҳлаб бундай деди:

— Бундан икки йил муқаддам республикамизнинг таниқли рассомлари Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ижодий сафарга чиққан эдилар. Улар кўп жойларда бўлиб, замонамиз қаҳрамонларининг ҳаётини яқиндан ўргандилар. Натижада Ўзбек тасвирий санъати хазинасини бойитадиган кўпгина асарлар яратилди. Эндиликда бу асарлар «Биз коммунизм қурамиз» деган ном билан алоҳида кўргазма ҳолида ташкил этилмоқда.

Ушбу санъат кўриги КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишланган. Томошабинлар санъаткорлардан Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Қутлуғ Башаров, Ингитали Турсунназаров, Марат Содиқов, Баҳодир Жалолов, Николай Пак каби мўйқалам усталарнинг асарларини кўрадилар.

Эртага

Фрунзе райони болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг «Санъат байрами» бошланади.

Район пионер саройлари ва уйлари коллективлари бу кўрикка катта тайёргарлик кўрдилар. Улар ўзларининг қўшиқ ва созлари билан партиямизнинг яқинлашиб келаётган анжуманларини мадҳ этадилар.

Ҳозирги пайтда республикамиз пионер уйлари ва саройларида 3500 болалар ҳаваскорлик коллективлари ишлаб турибди. Уларда шуғулланаётган талантларнинг сони 55 минг кишидан ошади.

XXVI

КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИНИ ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

● *Истеъмол буюмларига — кенг йўл*

ЛОЙИҲАДАГИ ҚУВВАТГА ЭРИШМОҚДА

Республика енгил саноат министрлигига қарашли пойтахтимиздаги кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари комбинатининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, 18 та потокдан 7 таси лойиҳадаги қувватга эришди. Ҳозирда қўлқоп ва енгил автомобиллар учун гилоф, сафар сумкалари, халталари ишлаб чиқараётган ва бошқа поток линиялар шулар жумласидандир.

Ўнинчи беш йиллик директиваларида белгиланган даражага муддатидан ярим йил илгари эришган коллектив планга қўшимча равишда 3 миллион сўмликдан зиёд турли хил маҳсулотлар етказиб берди. Кейинги ойлар мобайнида комбинат цехларидан 50 дан ортиқ номда кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарларининг янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ишлаб чиқаришнинг янги бинога кўчирилганлиги коллектив учун қувончли воқеа бўлди. Янги корпуснинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати қариб 27 миллион сўмни ташкил этади.

— КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди лойиҳасини кенг муҳокама этган комбинатимиз коллективи ўн биринчи беш йиллик учун янги марраларни белгилаб олди, — дейди комбинат директори С. Саидкаримов. — Беш йиллик мобайнида 132 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш планлаштирилди. Бу рақам ўнинчи беш йилликда эришилган нисбатан 152 процентдан зиёдни ташкил этади.

Бугунги кунда комбинат коллективи КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтага туриб, муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш иштиёқи билан банд. Совет кўнгилларининг турмуш фаровонлиги кун сайин ошиб бораётганлиги туфайли ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда, дейишмоқда комбинат меҳнаткашлари. Шунинг учун ҳам улар кўплаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзларига шиор қилиб олганлар.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи улуғ сана — партиямизнинг XXVI съездини улкан муваффақиятлар билан нишонлаш борасида фидокорона меҳнат қилмоқда. Съездолди зарбдор меҳнат вахтаси тобора кенг қулоч ёзяпти. Сиз мана бу фотолавҳада бирлашма 5-цехидаги Неъмат Муродов бош бўлган илғор комсомол-ёшлар бригадаси аъзоларини кўриб турибсиз: (чапдан ўнгга) — Н. Муродов (бригада бошлиғи), Ш. Исоқов, М. Абдиев, А. Каримов, Р. Маматов ва Р. Галиев ўртоқлар. Бу ишчилар УПХ—1, 5«В» типидаги кўсак чувиш машиналари учун барабанлар тайёрлаб берадилар. Бригада 1981 йилнинг март ойи топшириқларини якунлаш арафасида турибди.

тонгги газеталарда

● Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси, қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари ва корхоналари коллективларининг 1981 йилги социалистик мажбуриятлари эълон қилинган.

● СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлигига қарашли Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам ва аммоний сульфати ишлаб чиқариш комплексини қуришда ва ишга туширишда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони берилган.

«АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИ»

БУГУН

шаҳримиздаги республика «Билимлар уйи»да «Ажойиб кишилар ҳаёти» номли лекциялар туркуми бўйича навбатдаги машғулот ўтказилди. Ушбу машғулотда революционер В. Плехановнинг ҳаёти ва сермазмун фаолияти тўғрисида суҳбатлар бўлиб ўтди, революционер ҳаётидаги ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган қизиқарли биографик фактлар айтиб ўтилди.

Билимлар уйида, шунингдек «Одамлар. Мамлакатлар. Сиёсат», «Коммунистик партиянинг етук арбоблари» сингари қатор туркумлар бўйича ўтказилаётган суҳбат ва учрашувлар бу ерга келувчиларни мамнун этмоқда.

«ТОШКЕНТ» СЕЙСМИК СТАНЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

Кеча— 22 январь маҳаллий вақт билан соат 12 дан 20 минут ўтганда Тошкент шаҳрида 3 балл кучи билан ер қимирлади. Бу Назарбек зилзиласининг такрорий силкинишидир. У зилзила ўчоғида 4 балли куч билан силкинганлиги қайд этилди.

Тарбияловчи ва сафарбар этувчи куч

Кино ходимлари активи йиғилишидан

Ўн биринчи беш йиллик улуғвор вазифаларининг аҳамиятини кишилар эътиборига етказиш, маданий қурилишни янги босқичга кўтариш, ҳар бир кишининг ижтимоий фаоллигини янада ошириш — бугунги кунда шаҳримиз киноходимлари ўзларининг асосий вазифалари айнан ана шулардан иборат, деб билмоқдалар.

Бу борада катта ишлар олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кинолаштириш бошқармаси бошлиғи **Т. У. Хидиров** ўз докладида таъкидлаб ўтганидек, меҳнаткашларни эстетик тарбиялашга, томошаханалар ҳамда маданий-оқартув муассасаларида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз ҳаёти билан боғлиқ бўлган турли шонли саналарга бағишланган кинофестиваллар шаҳримиз кинотеатрларида катта муваффақиятлар билан ўтди. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ильич абадий барҳаёт» деган кинофестиваль булар орасида энг муҳими ва жуда масъулиятлиси ҳисобланади. Ушбу кинофестивалда ўн минглаб тошкентликлар ва меҳмонлар қатнашдилар.

Бошқа шонли сана— совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 35 йиллигига бағишлаб ўтказилган кинофестиваль эса, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги бадиий ҳамда хроникал-ҳужжатли фильмларни кенг кўрсатиш билан олиб борилди.

Ўтган йили Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI Халқаро кинофестивали ўтказилганлиги шаҳримиз кино ходимлари учун катта имтиҳон бўлди. Кинофестивалда 720 минг томошабин қатнашди.

«Салют, Олимпиада!» умумшаҳар кинофестивали кинолаштириш бошқармаси томонидан Москвадаги XXII Олимпиада ўйинларига бағишлаб ўтказилган муҳим тадбир ҳисобланади. Кинофестиваль программасига мувофиқ, тарихий ўйинларга, республикамизда, мамлакатимизда ва чет элларда совет спортининг ривожланишига бағишланган тематик, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва бадиий киноленталар намойиш қилинди.

Партия XXVI съездига тайёргарлик бораётган шу кунларда шаҳар ходимлари бутун куч-ғайратларини ғоявий-тарбиявий ишларни ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг муҳим қарорларини пропаганда қилишни ташкил этишда турли формалардан фойдаланмоқдалар. «Ўзбекфильм» киностудияси фильмлари кинофестивали, Ўзбек киносининг етакчи усталари билан ўтказилган қизиқарли учрашувлар шулар жумласидандир. Бу тадбирларни амалга ошириш пайтида юзлаб бадиий ва илмий-оммабоп киноленталар намойиш қилинади.

Репертуарлар асоси йил сайин совет кинофильмлари ҳисобига мустаҳкамланиб бормоқда. Масалан, ўтган йили шаҳар экранларига чиқарилган 170 та кинолентанинг 142 таси мамлакатимизда яратилган фильмлардан иборат бўлди. Бундан бўён уларнинг сони янада орта боради. Ҳар йили кинотеатрларга келувчи томошабинлар сонини 10 миллион ва ундан ҳам оширишга эришилади. Бу рақамлар кўп нарсалар, аввало меҳнаткашларни киносеансларга жалб этиш борасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бориш кераклигидан далолат беради. Масалан, методик тавсияномалардан қўшимча фойдаланиш, ҳар бир кинотеатрга чиқарилган картиналар кўсатилишини квартал сайин таҳлил этиш, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш каби тадбирлар белгиланди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган фильмлар билан ишлашда «Москва», Лисунов номли кинотеатрларда катта тажриба тўпланган. Бу кинотеатрларда барча шонли саналар ва воқеалар тантанали нишонланади, райондаги саноат корхоналари, ўқув юртлари билан доимо алоқа боғлаб турилади. Фильмларни коллектив бўлиб томоша кидиш ташкил этилади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси, ветераннлар Совети билан биргаликда мактаб ўқувчилари учун ҳуқуқ билимларидан кинолекторий машғулотлари олиб борилади, «Жасорат» киноклуби ишлаб турибди.

Ёш томошабинлар билан ишлаш кино ходимлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган. Бу борада болаларнинг ихтисослаштирилган «Пионер» кинотеатрида яхши тажриба тўпланган. Бу кинотеатрда «Узбекфильм» киностудиясида яратилган фильмлар яхши пропаганда қилинмоқда, томошабинлар конференцияси ўтказиб турилади, артистлар ва режиссёрлар иштирокида премьералар муҳокама қилинади. Ун биринчи беш йилликда мактаб ёшидаги болалар кинотеатрлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилади.

Шаҳар кино ходимлари эришган ютуқлар СССР Министрлар Советининг Кинематография Давлат комитети маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Актив йиғилишида сўзга чиққан Узбекистон ССР Кинематография давлат комитети раисининг ўринбосари (Қ. Х. Эргашев, «Дружба» кинотеатри директори **А. Ҳ. Ҳаҳимов**, шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири **К. Р. Расулов**, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **Х. Ё. Ёқубжонова**, Санъат саройининг бош инженери **С. М. Боязний**, «Пионер» кинотеатри директори **Л. О. Отабоева**, «Москва» кинотеатрининг катта администратори **Н. П. Тулякова** ва бошқалар ютуқлар билан бир қаторда, экранларга фильмларни етарли даражада ташкилий ва методик тайёргарлик кўрилмай чиқариш ҳоллари мавжудлигини таъкидладилар. Томошабинлар томонидан юқори баҳоланган киноэнталаларни муддатидан илгари экрандан олиб қўйилаётганлиги тўғрисида мисоллар келтиришди. Шаҳар фильмфондининг, айниқса болалар фильмини намойиш қилишдаги, фаолияти, кинотеатрларнинг иш режимлари қаттиқ талабчанлик билан таҳлил этилди. Фильмларнинг кўргазмали рекламасига, кинолар кўрсатиш сифатига баҳо берилди ҳамда уларни янада ривожлантиришнинг перспектив тадбирлари белгиланди.

Актив йиғилишида 1981 йил учун социалистик мажбурият қабул қилинди. Унда аҳолига кино хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, республикамиз пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришда кинодан тарбиявий ишларда кенг фойдаланиш каби тадбирлар белгиланган.

МЕҲМОНЛАР УЧУН

БУГУН

пойтахтимизга Свердловск, Новосибирск, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан туристларнинг навбатдаги группаси меҳмон бўлиб келади. Туристлар шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Узбекистон ССР Давлат санъат музейида меҳмонлар ва санъат ишқибозлари учун «Совет санъати» туркумидан лекциялар ўқилади. Улар Ленин мукофотига сазовор бўлган рассомлар ҳаёти ҳақидаги лекцияни санъат музейига келиб тинглашлари мумкин. Ана шу мавзуда музей илмий ходими К. Маъмурова суҳбат ўтказади.

УСМОН ЮСУПОВ ХОТИРАСИГА

БУГУН

ҳайкалтарошлик тажриба комбинатида Узбекистон Коммунистик партиясининг кўзга кўринган арбоби Усмон Юсупов ҳайкалини қўйиш ишлари поёнига етказилди. Архитектор П. Зоҳидов ва ҳайкалтарош М. Мусабеков раҳбарлигида яратилган ушбу ҳайкал пойтахт областининг Халқобод посёлкасида ўрнатилади.

Йил давомида комбинат ижодий коллективи томонидан коммунистик партиянинг йирик арбоблари, республикамизда Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширишда қаҳрамонлик кўрсатган комиссарлар ҳамда ўзбек классик адабиётининг буюк намояндалари хотирасини абадийлаштириш учун йиғиримга яқин ҳайкал яратилади.



Пойтахтимизда бунёд этилаётган янги санъат кошоналари унинг такрорланмас гўзаллиқдаги янги проспектлари ва майдонларига кўрнам қиёфа бахш этмоқда.

СУРАТДА: Тошкент циркининг тунги шуълалар оғушидаги кўриниши.

М. Нуриддинов фотолари.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ИРОҚ—ЭРОН: БЕГОНАЛАРГА МАНФААТЛИ УРУШ

Тўрт ойдирки, Эрон билан Ироқ ўртасидаги бемаъни ва фожиали урушнинг жанг майдонларида тўплар овози тинмай, қон тўкилмоқда. Теҳрон ва Бағдодда эълон қилинаётган бири-бирига зид ҳарбий маълумотларнинг пировард якуни бир нарсани кўрсатади: иккала томон тобора кўп одамларидан маҳрум бўлмоқда ва моддий талофот кўрмоқда. Бу уруш Ироққа ҳам, Эронга ҳам янгидан-янги кулфатлар келтириши, экономикани вайрон қилиши ва одамларнинг ёстиғини қуритиши шубҳасиз.

Модомики, шундай экан, бу урушнинг кимга манфаати бор? Вашингтоннинг расмий доиралари бу хусусда қанчалик риёкорлик сўзлари айтмасинлар, улар айни Америка империализми бу уруш хусусида шод-хуррам эканлигидан иборат ҳеч баҳслашиб бўлмайдиган фактни яшира олмайдилар.

Ғарбдагиларнинг ибораси билан айтганда, «нефть денгизидаги мана шу уруш» Қўшма Штатларга Форс кўрфази зонасидаги ўзининг бусиз ҳам баҳайбат «ҳарбий кучлари»ни мисли кўрилмаган даражада кўпайтириш учун қўшимча баҳона бўлди. АҚШ ўзининг НАТОдаги иттифоқчиларини шу райондан нефть етказиб берилиши тўхтаб қолиши мумкин, деган гап билан чўчитиб, бу ерга шу иттифоқчиларнинг ҳарбий-денгиз кучлари юборилишига эришди ва шу тариқа бу мамлакатларни ўзининг авантюрачилик сиёсатига тагин ҳам маҳкамроқ боғлаб қўйди.

Эрон-Ироқ уруши сепарат Кэмп-Дэвид битимларига қарши бўлиб турган араблар дунёсининг бирлигига путур етказмоқда, чунки араб мамлакатларининг бир қисми Ирок тарафини олиб чиққан бўлса, бошқалари Эронни қўллаб-қувватладилар. Империализмга қарши изчил сиёсат ўтказиб келган можаро қатнашчиларининг ўзлари заифлашиб бораётгани ҳам эътиборга олинса, Эрон-Ироқ тўқнашуви шу райондаги империализмга қарши фронт кучсизланиши хусусида Вашингтонда нақадар қувончли умидлар пайдо қилганини тасаввур этиш қийин эмас.

Америка дипломатияси Қоҳира ва Тэль-Авив билан биргаликда Кэмп-Дэвид келишувини боши берк кўчадан чиқариб олишга уриниш йўлидаги ўз ҳаракатларини кучайтириб юборганлиги бежиз эмас. Вашингтоннинг махсус вакиллари зудлик билан Яқин Шарққа келиб, баъзи бир араб мамлакатлари бу келишувни лоақал базоситa тарзда бўлсада, эътироз қилишларига эришишга ҳаракат қилиб кўрдилар.

Аммо империалистларнинг «даҳшат солувчи» қудратли кучлари Форс кўрфази районига келтириб қўйилганлиги ҳам, Америка дипломатиясининг сиёсий найранглари ва ғаламисликлари ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг «чин қалбдан отилиб чиқаётган озодликка шитобли иродасини тўхтатиб қолишга қодир эмас, деб ёзди Парижда чиқадиган «Африк-Ази» журнали.

Мана шу ўзаро урушнинг давом этиши мазкур региондаги барча халқларнинг туб манфаатларига зарар етказиши мумкин, холос. Шу сабабли можарони бартараф этиш йўлларини қидириб топиш нақадар мураккаб бўлмасин, бу йўл музокаралар столи атрофида нақадар тез-рок топилса, Ирок ва Эрон халклари учун, бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик иши учун шу қадар яхши бўлади.

ТАСС шарҳловчиси.
Б. ШАБАЕВ.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАТЛАР

XXVI

Партия режалари — халқ режалари

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ЛОЙИҲАСИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

• Депутат минбари

Менинг таклифим

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159- қурилиш трестимизнинг кўп минг кишилик коллективи шу кунларда алоҳида ғайрат-шижоат билан ишламоқда. Қурувчиларнинг эзгу мақсади — партия XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишдан иборатдир. Трестимизга қарашли қурилиш бошқармаларининг ҳамма коллективларида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси тексти қизғин муҳокама қилинди ва ўрганиб чиқилди. Лойиҳа текстини ўқир эканмиз, бизни айниқса уй-жой қурилишига бўлган эътибор, шу муносабат билан масъулият ҳиссини ортиришимиз керакligи диққатимизни тортмоқда. Лойиҳада: **«Жами саҳни 530 — 540 миллион квадрат метр бўлган уй-жой бинолари фойдаланишга топширилсин»**, дейилган. Бу сўзлар айниқса қувонарли ва биз, қурувчилар олдига қўйилган муҳим вазифа, деб билмоқдамиз.

Биз ўтган йилнинг охирларида шаҳримизнинг Халқобод, Янги Ульянов кўчаларида ҳамда Тошкент трактор заводи ва Олмазор турар жой микрорайонларида бир неча уйларни қийинчилик билан фойдаланишга топширдик. Бундай деганимизнинг боиси бор. Уйлар қурилиши трестимиздан мустасно, бошқа ташкилотлар фаолиятига қараб ой ўтиб кетгандан сўнг шундай қурилиш материаллари ҳамда пландаги тўрт ўрнига иккита кран етказиб берилди. Бунинг натижасида қурилиш-монтаж ишларини тўла олиб боролмадик. Объектни эса икки ойда битказиш керак. Бу— қўшимча ишчи кучи ва механизмларни талаб қилар эди. Уй қурилишида уч сменали иш ташкил этилганлиги, социалистик мусобақага ҳар куни якун ясалганлиги, трест ва қурилиш бошқармасининг партия, касаба союз ташкилотлари томонидан катта ташкилотчилик ишлари олиб борилганлигига қарамай, материаллар етказиб берувчи ташкилотлар айби билан қурилиш ишлари мутасил кечикмоқда.

Мен шу ўринда қурилиш-монтаж ишлари сифати ҳақида икки оғиз гапириб ўтишни истар эдим. Қурувчилар ўртасида ишда сифат асосий масала эмас, деб ўйлайдиганлар йўқ эмас, албатта. Ҳақиқатда шундай пайтлар бўладики, иш билан бўлиб, сифатга эътибор бериш унутиб қўйилади. Оқилондаги мактаб қурилишида худди шундай бўлган.

Ҳозирги пайтда бир ойдан сўнг, ёки бир йилдан сўнг ишлатиладиган материаллар етказиб беришади-ю, шу кун учун зарур бўлган материалларни унутиб қўйишади. Шу сабабли кейинчалик ишлатиладиган материаллар расамади билан эмас, балки қалаштириб сақлаб қўйилади. Кейинчалик унинг сифати бузилади... Шундай ҳолни шаҳримизнинг кўпгина қурилишларида учратиш мумкин. Биз ўтган йилнинг тўққиз ойида планларни меъёрида бажардик. Иккинчи ярим йиллик плани эса декабрь ойида бажарилди.

Қандай қилиб? Аввал материал етишмай, кейин қалашиб кетиб, ҳайбаракаллачилик йўли билан. Ишнинг сифатсиз бўлиши айнан ана шу хайбаракаллачилик-да! Ишда бундай ҳолга барҳам бериш керак!

Кўпчилик қатори асосий йўналишлар лойиҳаси билан тўлатўкис танишиб чиқдим. Лойиҳанинг 7-бўлимидаги: **«Инженерлик тайёргарлик ва ишлаб чиқариш технология комплектацияси даражасини ошириш негизида ҳамма жойда турдош бригада пудрати ёйилиши учун шарт-шароитлар яратиб берилсин»**, деган жумладан сўнг: **«Қурилиш ҳамда уй-жой қурилиши планларининг тўғри тузилишида буюртмачиларнинг, қурилиш материалларининг ўз вақтида етказиб берилишида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг масъулияти оширилсин»**, деган жумлани қўшиб қўйишни таклиф қиламан.

О. РАҲМАТЖОНОВ.
Меҳнат Қизил Байроқ орденли 153-қурилиш трести, 53-қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси дурадгори, Октябрь район Совети депутати.

• Бинокорлик касбини ардоқлаётганлар

ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

2-пардозлаш трестига қарашли 45-бошқармада Роза Ахмедзянова бошлиқ бригада коллективини меҳнатда пешқадам, аҳил ва ишбилармон бригада сифатида тилга олишади. Бу бежиз эмас. Роза 15 йилдан буён бошқарманинг сувоқчилар ва бўёқчилар бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Шу йиллар мобайнида у фақат бригадада иш юритишни яхши олиб борибгина қолмай, балки бутун коллективнинг касб маҳоратини оширишга, замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида қурилаётган биноларнинг пардоз сифати ҳар жиҳатдан кўзни қувонтиришга эришди.

Ўтган давр мобайнида бригаданинг 16 кишилик қўли гул жилокорлари шаҳримиздаги В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Бош универсал магазини, шунингдек ўнлаб ноёб архитектура комплексларига сифатли пардоз беришда қатнашди.

Айни кунларда коллектив шаҳримизнинг улкан томошахонаси бўладиган кино-концерт қурилишида жилокорлик ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Бу объектда самарали меҳнат қилган бригада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида республика қурувчиларининг социалистик мусобақаси голиби деб топилди ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Шу кунларда моҳир сайқалчилар коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олиш учун ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Ш. ЕРМАТОВ.

Тошпўлат Рихсиев шаҳримиздаги 1-пойафзал фабрикасида 26 йилдан бери меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу илғор бичувчи мунтазам равишда кунлик нормасини ортиғи билан адо этиб, бошқаларга ибрат бўлмоқда.

СУРАТДА: Т. Рихсиев.

М. Шоннозомов фотоси.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. БЕКЖОНОВ: Мен енгил машиналар ремонти бўйича слесарь бўлишни хоҳлайман. Ана шу касбни қайси ерда ўрганишим мумкин?

Жавоб: Автомобилларни ремонтдан чиқарадиган слесарлик ихтисослигини ўрганишингиз учун шаҳримиздаги Луначарский шоссеси 69-уйда жойлашган 40-техника билим юртига кириб ўқишингиз керак бўлади. Билим юртини битирган ўқувчилар авторемонт устахоналарида ва автотранспорт корхоналарида ишлашга йўлланма оладилар.

* * *

И. ШОМИРОВ: Мен прокатдан радиоприёмник олгандим. Вақт ўтиши билан шу радиоснинг тўланган пули радиоснинг нархидан ортгандан кейин у менинг ўзимники бўлиб қолади деб эшитдим. Шу тўғрими?

Жавоб: Йўқ, нотўғри, шаҳримиздаги прокат пунктидан олинган ҳар бир буюм ундан қанча йил фойдаланишингиздан қатъий назар Сизники бўлиб қололмайди. Ҳар бир прокатдан олинган буюм муддати келганда чўздирилиши ёки қайтариб берилиши керак.

***

Р. ҲОЛИҚОВ: «Ветлия» фотоаппарати бузилиб қолди. Шуни қаерда тузатириш мумкин?

Жавоб: Марказий универсал магазин ёнида барча турдаги фотоаппаратларни тузатиб берадиган устахона жойлашган. Худди шундай устахоналардан яна биттаси Ленин кўчасидаги «Марвий гумбаз» кафесида-ги каватли бинонинг биринчи қаватида ишлаб турибди.

* * *

О. ШАКАРОВ: Яқинда мен Японияни курткасини сотиб олдим. Ранги ёқмай турибди. Шуни қаерда бошқа рангга бўяттиришим мумкин?

Жавоб: Западная кўчаси 1-уйда «Химчистка» пункти идорасини жойлашган. Ана шаҳарга мурожаат қилсангиз курткангизни исталган рангга бўяттиришингиз мумкин.

* * *

Д. ШОИМОВ: Халқ санъат шайдоси сифатида Бирор бадиий тўгаракка кириб ўзбек миллий чолғу асбобларини янада яхшироқ ўрганиш истагидамман. Бунинг учун кимга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Фурқат кўчасида Пионерлар саройи ишга туширилди. Бу ерда бир қанча тўгараклар ишлаб турибди. Бундан ташқари Сиз ўзингиз истиқомат қилиб турган райондаги Маданият уйларига учрашиб, истаган чолғу асбобингизни ўрганишингиз мумкин.

* * *

О. КОМИЛОВА: Юнусобод массивидаги уйларда истиқомат қилаётганимизга ўн йилча бўлиб қолди. Ҳозир бу уйларимиз ремонт талаб. Шаҳримизда уйимизни ремонт қилиб берадиган бирор ташкилот борми?

Жавоб: Шаҳар уй-жой бошқармасига қарашли 2-ремонт-қурилиш бошқармаси аҳоли уйларини ремонт қилиб бериш билан шуғулланади. Бу бошқарма Чилонзор массивининг 4-кварталидаги 4-«а» уйда жойлашган. У ерга 2, 3, 33-автобусларда бориш мумкин. Сиз 77-66-71, 77-83-45 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб ўзингизни қизиқтираётган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

* * *

А. СОТВОЛДИЕВА: Сифон ичига солинган сувларни газлаштирадиган кичик газ баллонлари «Ташхозкультторг»га қарашли магазинларда сотилмоқда. Эшитишимча шу баллонлар сотиладиган барча магазинлар бўшаган баллонларни алмаштириб беришлари мумкин экан. Шу тўғрими?

Жавоб: «Ташхозкультторг»дан бизга маълум қилишларича ҳар бир бўшаган баллон янгиси билан алмаштириб берилади. Ҳар бир кичик газ баллони 13 тийин туриб, бўшаган баллонни топшириш билан 5 тийин ҳақ тўлаб, янги баллон олишингиз мумкин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА • САВОЛ — ЖАВОБ КЕЧАСИ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетида ижодкорлар билан учрашувлар, савол-жавоб ва шеърият кечалари тез-тез ўтказиб турилади. Гуманитар факультетлар фалсафа кафедраси ўқитувчиларининг ташаббуси билан куни кеча филология факультети ётоқхонасида ўтказилган навбатдаги савол-жавоб кечаси ҳам ғоят мароқли бўлди. Унда студентлар халқаро аҳвол, фаннинг турли соҳалари, адабиёт бўйича ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

Университет шарқшунослик факультети доцентлари У. Маматоҳуновнинг Хитойдаги ҳозирги аҳвол, У. Уватовнинг Ироқ-Эрон можароси, фалсафа кафедраси ўқитувчилари Ҳ. Жалилов ва М. Қосимоваларнинг ахлоқ, санъат ва адабиёт борасидаги суҳбатлари айниқса кўпчиликда қизиқиш уйготди.

Ш. АЗИЗОВ.

• Шаҳар хўжалиги мавзуида

ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛОВЧИ

Ҳар куни аҳвол шу

Кечки пайт «Олой» бозори ёнидаги бекатлардан Юнусобод томонга бормоқчи бўлиб қолсангиз, бу ердан ўтадиган 60-«Э», 72, 115-«Э» маршрутдаги автобусларга чиқиш амри-маҳол эканлигининг шоҳиди бўласиз. Йўловчилар ҳамиша гавжум бўладиган бу бекатларда биз юқорида айтган автобуслар кўпинча тўхтамасдан ўтиб кетади. Чунки автобусда йўловчилар ҳамиша тирбанд бўлади. Бу аҳвол ҳар куни қайтарилади.

«Главташпассавтотранс» бошқармаси раҳбарлари йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни қачон йўлга қўйишади?

Х. ХУШМАТОВ,
студент.

Қачонгача?

Қорасув массивида истиқомат қилувчилар транспортларнинг уларга ёмон хизмат кўрсатаётганликларидан хафадирлар. Бу массивда турувчи кўпчилик аҳоли автобусларнинг ўз вақтида линияга чиқарилмаслиги оқибатида ишга кечикиб боришмоқда. Массивда йўловчиларга 21-«э» маршрутидаги автобус хизмат кўрсатади. Бу Қорасув массивидан Авиасозлар шаҳарчасигача боради. Бу автобусни кундуз кунлари ондасонда кўриш мумкин. Нега энди автобуслар графикка тўла амал қилган ҳолда қатнамайди.

Метронинг иккинчи навбати ишга туширилиши муносабати билан янги 63-маршрут йўлга қўйилди. Лекин бу автобус хизматидан йўловчилар норози. Ҳар куни эрталаб Қорасув массивининг маркази бўлган автобуслар тўхташ жойида айни ишчилар ишга кетиш вақтида биронта ҳам автобус кўринмайди. Бу массивга қатновчи автобуслар парки шундай массив ёнгинасида бўлгани учун (2519-автопарк) эрталаб соат 8 дан кейин йўловчилар хизматига бирин-кетин чиқарилади. Натижада ишдан кеч қолинади. Массивдаги йўловчилар автобуснинг ёмон хизматидан қачонгача қийналишади? «Главташпассавтотранс» раҳбарлари массив йўловчиларига қачон намунали хизмат кўрсатишади?

Ж. БАҒБЕКОВ,
ишчи.

Хоҳласа юради...

Бизнинг «Авангард» маҳалласидагиларга 27-маршрутдаги автобус хизмат кўрсатаётганда жуда хурсанд бўлган эдик. Лекин бу севинчимиз узоққа бормади. Автобус хоҳласа юради, хоҳламаса юрмайди. Кейинчалик бу 27-маршрутдаги автобус ёнига 39-маршрут қўшиб қўйилди. Иккала маршрутда бор-йўғи олтита автобус хизмат кўрсатади. Лекин график бўйича 12 та автобус юриши керак. Қачон маршрутларда қатнайдиган автобусларни графикка тўла риоя қилган ҳолда қатнаши таъминланади?

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси раҳбарлари бу маршрутлардаги автобусларни график бўйича қатнашини қачон таъминлашади?

А. АБДУРАСУЛОВ.

⊙ СУРАГАН ЭКАНСИЗ...

Радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланганлик учун

«Тошкент оқшоми» газета редакциясига келаётган кўпчилик мактубларда оқшомхонларимиз партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари моддий фаровонлигини ошириш ҳақида, Улуғ Ватан урушининг инвалидлари ва қатнашчилари тўғрисида кўрсатилаётган катта ғамхўрлигига ўз миннатдорчиликларини изҳор этишган. Шу хатлар орасида Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига яратилаётган қулайликлар ичида радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланганлик учун, ҳаҳ тўлашда уларга имтиёз кўзда тутилганми ёки йўқлигини ҳам сўрашган. Бу ерда шуни айтиш керакки, радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланишда бундай имтиёзлар кўзда тутилмаган. Яъни, ҳамма категориядаги кишилар (кўзи ожизлар бундан мустасно) радиоэшиттириш тармоғидан фойдаланганда ойига 50 тийин ҳақ тўлашлари лозим!

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхоз теплица хўжалигида бодринг жуда мўл бўлди. Хўжалик аъзолари шаҳар аҳолиси дастурхонига 114 тонна маҳсулот тортиқ этишди. Бунда теплица хўжалиги мирзакорларидан А. Мўминов, Х. Расулхўжаев, Х. Тошмирзаеваларнинг хизмати бор.

Шунингдек, райондаги «Ленин йўли» теплица комбинати коллективининг ҳам шаҳарликларга тортиқ этган бодринг ва помидориси 2 минг тоннадан ошди.

Т. ЖУРАЕВ.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ...

АЙНИ МУДДАО БЎЛАРДИ

Киров район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 5-болалар поликлиникаси филиалининг очилганига уч йилдан ошди. Лекин поликлиника филиалида лаборатория йўқлиги сабабли бемор болаларни Юнусобод массивидаги 5-поликлиникага олиб боришга мажбур бўлинмоқда. Бу жуда ноқулайлик туғдирмоқда. Киров район соғлиқни сақлаш бўлими 5-поликлиника филиалида бирорта лаборатория очиб, кичкинтойларни сарсон қилмаса айни муддао бўларди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
пенсионер.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ЧАЛА ҚОЛГАН ИШ

Ўтган йил ёзда «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бир неча йилдан буён берган ваъдасининг уддасидан чиқиб қолди. Чилонзор район 1-Чарх-Камолон маҳалласидаги хонадонларда муттасил табиий газ оқими бўлиб туришни таъминлаш мақсадида Халқлар дўстлиги проспектига тутташган жойда қарийб уч юз метрли қўшимча газ трубаси ўрнатилди. Қурувчилар трубалар ётқизишни узоққа чўзмай, бир ой ичида қувурлар устини ҳам беркитишиб, юз метрли Етти терак тупигини асфальтлашди холос. Қувур ётқизиш пайтида ўнқир-чўнқир бўлиб кетган 5 ва 6-Хива проездлари унутиб қолдирилди. Яъни газчилар асфальтлашни чала ташлаб кетишди.

Чала қолган ишга қор ёғади деб шунга айтсалар керак, мана қишнинг ҳам ярми ўтиб боряпти. 1-Чарх-Камолон маҳалла комитетининг вакиллари район ободонлаштириш бошқармасига аҳволни баён қилиб, ҳар икки проездни асфальтлаб беришни илтимос қилавериб чарчашди. Аммо район ободонлаштириш бўлимининг бошлиқлари «Кўчангизни яқин орада асфальтлаймиз» деб ваъда беришдан чарчашгани йўқ.

Чилонзор район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари эски йилдан қолган чала ишни янги йилда тезроқ бартараф этишлари, аҳоли учун тезроқ қулайлик яратишлари керак.

А. НОСИРОВ.

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 3.босмахонасининг ишчан коллективи съездолди умумхалқ мусобақасини тобора кенг авж олдирмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада корхона 2.цехи пешқадам печатчиси Мақсуда Гулябовани кўриб турибсиз.

Қ. Исоқов фотоси.

ЗЎР ҚОНИҚИШ БИЛАН

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981-1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида партия Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига лойиҳаси «Главташкентстрой»га қарашли 159-трестнинг Вячеслав Миллер ва Ринат Гайнуллин бошлиқ бригадаларида қизғин муҳокама қилинди. Улар лойиҳада қурилишда қўл меҳнатини анча қисқартириш, қурилиш ташкилотларини юксак унумли машиналар, механизмлар, автотранспорт билан таъминлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг индустриал даражасини ошириш, қурилишда меҳнат унумдорлигини 15-17 процент ошириш тўғрисидаги ёрқин режаларини зўр қониқиш ҳисси билан қайд этмоқдалар.

Бу икки бригада бир беш йилликда икки беш йиллик планини адо этган. Умуман трест бўйича эса 35 бригада хўжалик асосида иш олиб бориб, ўтган йили 7 миллион 522 минг сўмлик иш бажаришди. Трест коллективи эса бош пудрат бўйича иш планини 101,6 процент адо этди.

Улар Тошкент аҳолисига бешта турар жой, тўртта ётоқхона ҳадя этишди. Бундан ташқари, 3136 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб, 960 ўринли 3 та болалар боғчаси ва бошқа биноларни фойдаланишга топширдилар.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳаси қурувчилар ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Коллектив кўпгина биноларни аъло ва яхши баҳоларга топширмоқда. Бу ерда ихтиёрочилик ва рационализаторчилик ҳаракати тобора кенг қулоч ёзиб бормоқда. Ўтган йили 16 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 138,7 минг сўмлик фойда олинди. 8-қурилиш бошқармасининг прораби Мирзажалил Турғунов ва 56-қурилиш бошқармасининг бош прораби Пётр Голлас киритган таклифлар айниқса салмоқли бўлди. Иқтисод ва тежамкорлик асосида ишлаётган коллектив 36 тонна металл, 221 тонна цемент ва бошқа қурилиш материалларини тежаб қолди.

Бу йилги режалар катта. Асосий эътибор бу йил ишга тушириладиган объектларга қаратилмоқда. Бригада пудрати янада кенг қулоч ёяди. Бу йил 24 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва ўтган йилдагига нисбатан салкам икки марта кўп турар жой бинолари қуриб бериш учун курашяпти.

КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди очиладиган кунлар тобора яқинлашиб келмоқда. Қурувчилар зарбдор вахтада туриб меҳнат қилмоқдалар. Узаро социалистик мусобақа қизғин тус олиб кетган. Трест коллективи асосан уй-жой, мактаб ва болалар боғчалари биноларини қуришга ихтисослашган. Аҳил коллектив коммунистлар анжуманларига муносиб меҳнат совғалари тайёрлашяпти.

А. ФАТТОҲОВ.

Ҳамкуласиз, муҳаррирсиз

ОЛТИ ЙИЛЛИК ВАЪДА

Шерпўлат Йўлдошев Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси. Фронтда бир кўзидан ажралган, оёқ-қўлидан яраланган, оғир контузия бўлган. Ҳозир у III группа Улуғ Ватан уруши инвалиди ва меҳнат ветерани. Киши кексайганидан кейин эски яралар ўзини билдирар экан. Кейинги пайтларда унинг қон босими ошиб, юраги ҳам хасталаниб қолди.

— Энди уйга телефон тушмасак бўлмайди,— деди у бола-чақалари билан маслаҳатлашиб.

— Тўғри айтасиз, телефон ҳам яхши дастёр.

Шундай қилиб онлавий кенгаш билан телефон тушириш учун ҳаракатга киришадиган бўлдилар. Бундан роса олти йил илгари 1975 йилда телефон туширилишини сўраб ариза беришди. Унга одатдагидек жавоб келди: «Имконият бўлиши билан сизга телефон ўрнатиб берилади».

Орадан бир йил ўтди, икки йил ўтди... Улуғ Ватан уруши инвалиди кетма-кет ариза беравергани кейин, ниҳоят муз жойидан кўчгандек бўлди. Кунлардан бирида кўчадаги симёғочларга кабель тортиш бошланди.

— Мана, отахон, сабр таги сарга олтин деганлари бежиз эмас, ниҳоят уйингизга телефон тушадиган бўлди!— дейишли телефончилар кўкрагига уриб.

Шерпўлат ака қувониб кетди. Телефончиларга чин дилдан миннатдорчилик билдирди.

— Илоё мартабангдан бундан ҳам улуғ бўлсин.

«Мартабаси улуғ бўладиган» телефончилар унинг остонаси олдига келганда ишни тўхтатишди.

— Мана, отахон, симни олиб келиб қўйдик. Бу ёғига бошқа одам келиб сизга аппарат ўрнатиб беради.

— Қачон келишади?

— Келишади, албатта келишади.

—Сабр таги сарга олтин деганлари бежиз эмас. Шунча йил кутган яна уч-тўрт кун кутсангиз, қарабсизки, уйингизда телефон беданадек сайраб турибдида!

Шерпўлат ака уйидаги телефоннинг беданадек сайрашини кўролмади. 23 ноябрь куни юрак хасталиги тутиб, касалхонага тушиб қолди. Бир ойча ётиб, қайтиб келса ҳамон телефондан дарак йўқ.

— Ҳалиям ўрнатишмадими? — деб сўради у уйдагилардан хуноб бўлиб.

— Шунча кутган яна кутар эмишмиз.

«Телефонни олти йил кутган бўлсам, эшитгимнинг тагигача сим тортиб келишган бўлса, нима учун телефонни ўрнатишмайди?— деб сўрабди Акмал Икромов район Чаҳминий кўча, 19-уйда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат ветерани Шерпўлат Йўлдошев. — Республика Алоқа министрлигидан юборилган расмий хатда сизга тезда телефон ўрнатиб берилади, деб ваъда беришган-ку! Телефончилар яна нимани кутяпти? Уларнинг нимаси йўқ? Мана шу саволларга ким жавоб беради?»

Шикоятчи Шерпўлат Йўлдошевнинг харатини мутасадди ташкилотларгаи ўртоқлар тушунишса ва ёрдам беришса ёмон бўлмас эди!

ҲУШЕРБЕК.



Ҳадемай Октябрь бозори ёнида «Болалар дунёси» магазини фойдаланишга топширилади. Ҳозир бу ерда 1 ва 4.ремонт қурилиш бошқармасининг ободонлаштирувчилари ишлашмоқда.

СУРАТДА: майдонда ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.